

**“O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI  
BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI”  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ  
УСТАВИ  
(янги тахрирда)**

**Тошкент - 2016 й.**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Уставнинг янги таҳрири Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 87-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-589-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази тўғрисидаги Низом»га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисидаги Низом»га асосан ишлаб чиқилди.

1.1. «O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI» (кейинги ўринларда «Марказ» деб юритилади) давлат унитар корхонаси деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда «Вазирлик» деб юритилади) тузилмаси таркибига кирувчи «O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI» давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги)нинг 1992 йил 29 июлдаги «Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 168-сон буйруғи билан Шаҳарлараро алоқалар ва телевидения ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент телефон-телеграф станцияси тезкор бошқариш хизматлари базасида таъсис этилган.

1.2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари ҳамда Вазирлигининг қарор, фармойиш ва буйруқлари, шунингдек соҳа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларга ва ушбу Уставга амал қилади.

1.3. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ҳисобланади. Марказ ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби принциплари бўйича амалга ошириб, тезкор бошқариш ҳуқуқи билан ўз мустақил балансида ҳисобга олинган мулкларга, банк ҳисоб рақамига ва валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

1.4. Марказ Ўзбекистон Республикаси ваколатли идораларида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. Марказ давлат тилида ўз номи тўлиқ ва манзили ёзилган гербли муҳрга эга бўлади.

1.6. Марказ ўз фирма номи кўрсатилган тамғалар ва бланкларга, шунингдек ўз нишони ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ва бошқа визуал идентификация воситаларига эга бўлиш ҳуқуқига эга.

## **II. ФИРМА НОМИ**

2.1. Марказнинг ўзбек тилидаги тўлиқ номи:

«O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI» давлат унитар корхонаси

Марказнинг ўзбек тилидаги қисқартирилган номи:

«O‘zTTBRM» ДУК

Марказнинг рус тилидаги тўлиқ номи:

Государственное унитарное предприятие «РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР УПРАВЛЕНИЯ СЕТЯМИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ УЗБЕКИСТАНА»

Марказнинг рус тилидаги қисқартирилган номи:

ГУП «РЦУСТУз».

Марказнинг инглиз тилидаги тўлиқ номи:

«REPUBLICAN TELECOMMUNICATIONS MANAGEMENT CENTER OF UZBEKISTAN» Government unitary enterprise

Марказнинг инглиз тилидаги қисқартирилган номи:

«RTMCUz» GUE

2.2. Марказнинг юридик манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., Олой кўчаси, 23-уй.

2.3. Марказ фаолиятининг амал қилиш муддати ва ҳудуди чекланмаган.

## **III. МАРКАЗ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ**

3.1. Марказнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини тезкор-техник бошқарувини таъминлаш, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг техник ҳолатини тизимли мониторинг ва таҳлилини амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларига устувор равишда телекоммуникация тармоқлари ва ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш:

- вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари ҳолати ва қайта қурилишини реал вақт режимида доимий мониторингини амалга ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг умумфойдаланиш тармоқлари базасида қурилган алоқа тармоқларини самарали ишлашини таъминлаш мақсадида, умумфойдаланиш телекоммуникация тармоқлари ва операторларнинг телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимларини ишлаш ҳолати бўйича маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни амалга ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг алоқа каналлари ва трактларини ижарага олиш бўйича буюртмаларини марказлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш, умумфойдаланиш телекоммуникация тармоқларидаги каналлар ва трактлар ижараси бўйича шартномалар тузиш ва юритишни амалга ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда алоқанинг ташкил этилишини бошқариш;

- операторлар тармоқларида шартнома асосида каналлар ва трактлар ижараси бўйича, юридик ва жисмоний шахслар буюртмаларни кўриб чиқиш ҳамда улар билан шартномалар тузиш ва юритиш;

- умумфойдаланиш телекоммуникация тармоқларида рўй бериши мумкин бўлган йирик авария ва шикастланишлар тўғрисида, шунингдек авария-тиклаш ишларининг олиб борилиш ҳолати, умумфойдаланиш тармоқ базасида қурилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг тармоқларида юз бериши мумкин бўлган носозликлар тўғрисида Вазирликни ва махсус истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этилишида талаб қилинган режим ва конфеденциалликни таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

- тармоқлар барқарорлигини таъминлаш, хизматлар сифатини ошириш ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг эҳтиёжларини қондириш доирасида Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини (барча тармоқларни туман марказлари даражасигача) ривожлантириш лойиҳаларини келишиб бериш;

- телекоммуникация тармоқларида авария ҳолати рўй берган ва тармоқлар ўта юкланган ҳолларда тармоқларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида махсус истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган Ўзбекистон

телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш схемалари ва режаларини келишиб бериш;

- телекоммуникация тармоқлари операторларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини тартибга солувчи ва телекоммуникация тармоқларини тезкор-техник бошқариш соҳасида ягона талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишишда қатнашиш;

- бир нечта операторлар манфаатдорлигида умумфойдаланиш тармоқларида таъмирлаш-созлаш ишлари ва режали ўлчовларни амалга ошириш режаларини келишиб бериш ва уларни бажарилишини назорат қилиш (марказнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимига халқаро ва ҳудудий даражада уланган тармоқлар);

3.1.2. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ҳамда операторларнинг телекоммуникация тармоқларини самарали ишлашини мувофиқлаштириш ва таъминлаш, яъни:

- умумфойдаланиш телекоммуникация тармоқларида режали ва режадан ташқари таъмирлаш-тиклаш ишларини бажарилишини мувофиқлаштириш;

- янги алоқа каналларининг ташкил этилиши, профилактика ишларнинг олиб борилиши, алоҳида тармоқларда меъёрдан ошиқ ўта юкланиш рўй бериши, созлаш, таъмирлаш ишлари олиб борилганда ҳамда Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларида қайта қуриш ишлари олиб борилганда маҳсус истеъмолчилар ва умумфойдаланиш телекоммуникация тармоқлари операторлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, муҳофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идоралари манфаати учун фойдаланилаётган алоқа тармоқларида авария ҳолатлари юз берган даврда уларни тиклаш бўйича телекоммуникация операторларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш;

- янги алоқа каналларини қайта қуриш ёки ташкил қилишда, тармоқларда профилактика ишларини олиб боришда алоҳида ҳудуд ва йўналишларда юзага келиши мумкин бўлган ўта юкланишлар тўғрисида манфаатдор операторларни огоҳлантириш;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларида ишларни олиб бормаслик учун тақиқларни киритиш ва белгиланган тартибда магистрал ва станцияларда ишларни олиб боришни чеклаш;

- бир маротабалик шаҳарлараро, халқаро телевизион ва радио узатишни ташкил қилиш учун буюртмалар қабул қилиш, яъни:

- телекоммуникация тармоқларининг миллий ва чегара ҳудудларида телевизион ва радио эшиттириш алоқа хизматларини кўрсатишнинг техник имкониятларини аниқлаш;

- узатишларни тайёрлаш, олиб бориш ва унинг сифатини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари операторлари ва буюртмачиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- авария ҳолатларида оператор тармоғини бошқариш, қайта қуриш ва тиклаш устидан назорат олиб бориш (марказнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимига халқаро ва ҳудудий даражада уланган тармоқлар);

- телекоммуникация тармоқларини бошқариш усуллари ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш таснифларини яхшилаш ва Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

3.1.3. Кундалик шароитида махсус истеъмолчиларни алоқа хизматлари бўйича максимал қондириш учун телекоммуникация тармоқлари ресурсларини ривожлантириш ва оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлаш, ахборотларни тўплаш ва телекоммуникация ресурслари маълумотлар базасини, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари рақамлаш режасини юритиш, яъни:

- боғламалар ва иншоотларни (барча тармоқлар) ягона таснифлаш ва кодлашни қўллаган ҳолда Ўзбекистон шаҳарлараро ва зонавий транспорт телекоммуникация тармоқларининг ресурслари;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини рақамлаш режаси, 7-сон умумканал сигнализацияси (УКС№7) сигнализация пунктлари кодларининг режаси;

- хориж мамлакатларининг телекоммуникация тармоқларини рақамлаш режаси;

- Ўзбекистон иккиламчи тармоқларининг туман корхоналари (бириктирилган ва мобил радиотелефон тармоқлари) даражасигача коммутация қурилмалари ҳақида маълумотларни ўз ичига олган марказлашган маълумотлар банкини ташкил этиш ва олиб бориш.

3.1.4. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ягона схемасини, шунингдек тармоқ операторлари маълумотлари асосида давлат телевиденияси ва радио эшиттиришларини тарқатиш схемаларини тайёрлаш ва уларга тузатиш киритиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларидан операторларнинг халқаро, шаҳарлараро ва зонавий канал ва трактларидан фойдаланиш;

- маҳаллий ва хорижий алоқа маъмуриятларидан ер усти ва йўлдошли тармоқлар бўйича бир маротабалик телевизион ва радио эшиттириш узатишларни ўтказиш бўйича буюртмаларни кўриб чиқиш ва амалга ошириш;

- буюртмалар бажарилишини назорат қилиш, жумладан операторлар билан келишган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг талабларини ҳисобга олиб канал ва трактлар юкланишини, тақсимлаш;

- телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизимини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш;

- телекоммуникация операторлари томонидан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси талабларини риоя қилиши устидан назорат олиб бориш;

- манфаатдор Ўзбекистон телекоммуникация операторларини рақамлаш режасидаги ўзгартиришлар ҳақида хабардор қилиш (шартнома асосида);

- рақамли телекоммуникация тармоқларини тактли синхронлаштириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш схемаларини келишиш.

3.1.5. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари ва ресурсларини мувофиқлашган бошқарувининг замонавий тизимини яратиш ва телекоммуникация тармоқларининг бошқарув тизимларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, яъни:

- турли хил операторларларнинг ўзаро ҳамда Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизими билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш, шунингдек телекоммуникация тармоқларининг барқарор ишлашини ҳисобга олган ҳолда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва яратишда иштирок этиш;

- телекоммуникация тармоқларини автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг яратилиши ва уларнинг ишлаши бўйича талабларни белгиловчи, шунингдек фавқулодда ҳолатлар оқибатларининг келиб чиқиши ва уларни бартараф этиш даврида Вазирлик, Марказ, операторларнинг тармоқларини бошқариш марказлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари бўйича тартиб-қоидаларни ва шартларни таснифловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизими учун ажратилган ахборот тармоғини яратилишини мувофиқлаштириш.

3.1.6. Одатий иш шароитларида ҳамда фавқулодда вазиятларда, телекоммуникация тармоқларини бошқариш ва телекоммуникация ресурсларини ўзаро ишлатиш масалалари бўйича хорижий мамлакатларнинг телекоммуникация тармоқларини Миллий бошқарув марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш:

- Марказга берилган ваколатлар доирасида давлатлараро битимларга мувофиқ хорижий мамлакатларнинг телекоммуникация тармоқларини Миллий бошқариш марказлари билан қуйидаги ҳолларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш.

- оператор билан келишилган ҳолда миллий ҳудудда, чегаравий алоқа линияларида, линия трактларида, тармоқ трактларида бирламчи тармоқ ҳолати ўзгарганда;

- оператор билан келишилган ҳолда таъмирлаш-созлаш ишларини ташкил қилиш ва ўтказганда;

- оператор билан келишилган ҳолда резервлаш режаларини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлганда;

- оператор билан келишилган ҳолда алоқа операторлари ўртасида доимий ва вақтинчалик тракт ва каналларни ташкил қилиш бўйича;

- оператор билан келишилган ҳолда телевизион, радио эшиттириш дастурлари ва узатишларни тарқатиш тармоғини ташкил этиш ҳамда бошқариш масалалари бўйича;

- оператор билан келишилган ҳолда умумфойдаланиш телефон тармоқларини тезкор-техник бошқариш масалалари бўйича;

- оператор билан келишилган ҳолда, хужжатли электр алоқа тармоқлари тезкор-техник бошқариш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш.

3.1.7. Узоқ хорижий мамлакатлар операторлари билан:

- авариялар ва таъмирлаш-созлаш ишларида хабардор қилиш бўйича;  
- рақамлаш режасидаги ўзгаришлар ҳақида хабар бериш бўйича ҳамкорлик қилиш.

3.1.9. Фавқулодда вазиятларда Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг тезкор-техник бошқаруви режасини тайёрлашда қатнашиш:

- фавқулодда вазиятларда операторларнинг телекоммуникация тармоқларининг тезкор-техник бошқаруви режасини тайёрлашда қатнашиш;  
- фавқулодда вазиятларда операторларнинг телекоммуникация тармоқларини тезкор-техник бошқариш режаларига мувофиқ машғулотларни ўтказиш;

Фавқулодда вазиятларда:

- Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари, уларни қайтадан қуриш ва тиклаш бўйича марказлашган тезкор-техник бошқарувни амалга ошириш;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари ҳолати устидан мониторинг олиб бориш;

- келиб тушаётган ахборотларни таҳлил қилиш ва Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари ишлашига фавқулодда вазиятларнинг таъсирини баҳолаш;

- Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари ҳолати ҳақида ахборотларни Вазирга, манфаатдор операторларга, тегишли давлат идораларига ва махсус истеъмолчиларга етказиш;

- телекоммуникация тармоқларида тиклаш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда олдиндан келишилган режалар бўйича ўта муҳим йўналишларда алоқа бузилиши билан боғлиқ бўлган авария ҳолатларини бартараф этиш ва алоқани тиклаш бўйича куч ва воситаларни бошқариш;

- тармоқларни бошқариш, қайтадан қуриш ва алоқа каналларини тиклаш масалалари бўйича чет эл мамлакатлари Миллий бошқарув марказлари ва миллий операторлар билан биргаликда тезкор ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш.

3.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган исталган фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли, шунингдек:

- бошқа корхоналар даромадли активларига (қимматли қоғозлар) сармояларни амалга ошириш;

- ҳайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш;

- суғурта компанияларига таваккалчиликни ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

3.3. Агар муайян лицензия талаб фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) зарур бўлса, унда Марказ учун шундай рухсатномани расмийлаштириб олмасдан мазкур фаолият тури билан шуғулланиш тақиқланади.

## IV. МАРКАЗ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Юклатилган вазифа ва фаолиятларни бажариш учун Марказ:

- Марказ ваколатларига алоқадор масалалар бўйича, шунингдек телекоммуникация ресурслари ҳолати ва мавжудлиги тўғрисида ахборотларни телекоммуникация операторларидан расмий талаб қилиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда алоқани ташкил қилиш жараёнларини бошқариш;

- умумфойдаланиш тармоқларида авария, режали ва режадан ташқари таъмирлаш - тиклаш ишларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳолатлардан сақлаш идораларининг манфаатларида фойдаланиётган алоқани тиклаш бўйича операторларга кўрсатмалар бериш;

- телекоммуникация тармоқларини тезкор-техник бошқариш тизимларини такомиллаштириш, операторлар ва истеъмолчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда телекоммуникация тармоқлари захираларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича операторларга тавсиялар бериш;

- Марказ ваколатларига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда Вазирликка таклифлар киритиш;

- миллий операторларнинг бошқарув тизимлари ва хорижий мамлакатлар телекоммуникация тармоқларини Миллий бошқариш марказлари билан тармоқларни қайтадан қурилишини бошқариш ва алоқа каналларини тиклаш масалалари бўйича тезкор ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4.2. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўйича Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча телекоммуникация операторлари ва ҳукумат телекоммуникация тармоқлари эгалари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4.3. Марказ унинг зиммасига юклатилган вазифаларни ва қонунчиликга мувофиқ қабул қилинган қарорларни бажарилишига жавобгар бўлади.

4.4. Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, Вазирлик буйруқ ва фармойишлари ва бошқа умуммажбурий турдаги меъерий-ҳуқуқий, раҳбарий, стандарт ҳужжатлар ижросини таъминлайди.

4.5. Вазирлик раҳбариятининг топшириқ ва кўрсатмаларини, шунингдек Вазирлик марказий аппарати бўлимлари бошлиқларининг сўровларини сўзсиз бажаради.

4.6. Соҳага доир қонунларга, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида асослантирилган таклифлар киритади.

## V. МАРКАЗНИНГ МАҚОМИ

5.1. Марказнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси давлат корхоналари тўғрисидаги Низом ва мазкур Устав билан белгиланади.

5.2. Марказ ўз фаолияти бўйича белгиланган мақсадларга эришиш учун қўйидагиларга ҳақли:

- ўз номидан алоқа каналларини ижарага олиш бўйича битимларни ва бошқа битимларни тузиш, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш;

- қонун билан белгиланган тартибда банк муассасаларида ҳисоб рақами, валюта ҳисоб рақамларини очишга, ҳисоб-китоб амалиётларини амалга оширишга, шунингдек ваколатли банкларда пул маблағларини чет эл валютасига алмаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида ҳам унинг ташқарисида ҳам кредитлар, заёмлар ва бошқа молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;

- Вазирлик билан келишилган ҳолда бошқа юридик шахсларнинг устав жамғармасида Таъсисчи бўлиш ёки ўзга тарзда қатнашиш, қонунчилик билан белгиланган тартибда ваколатхона ва филиаллар очиш;

- антимонопол қонунчилигига зид бўлмаган шартларда уюшма, концерн, тармоқлараро, минтақавий ва бошқа бирлашмаларда қатнашиш;

- мустақил равишда молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш, ижтимоий таъминот жамғармаларини шакллантириш.

5.3. Марказ Вазирликнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида Вазирлик ҳам Марказ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

5.4. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган бутун мулки ва молиявий воситалари билан жавобгар бўлади.

## VI. МАРКАЗ БОШҚАРУВИ

6.1. Марказнинг яқкабош ижроия идораси бўлиб, Марказ олдида қўйилган вазифаларни бажарилишини ташкил қиладиган Директор ҳисобланади.

Марказ директори Вазирнинг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Директор билан тузиладиган меҳнат шартномаси Вазир томонидан муайян ёки номуайян муддатга имзоланади.

6.2. Марказ Директори Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва мазкур Уставга мувофиқ:

- Марказга юклатилган вазифа ва фаолиятларни бажариш учун шахсий жавобгарликни тортади;

- Марказнинг ҳар йилги бизнес-режасини ишлаб чиқади ва Вазирга тасдиқлаш учун тақдим қилади ва ҳар чоракда унинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот беради;

- кадрларни танлаш ва жойлаштирилишини амалга оширади, ўз ўринбосарларини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини белгиланган тартибда тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

- ўринбосарлар ўртасида мажбурият ва вазифаларни тақсимлайди, уларнинг жавобгарлик даражасини белгилайди;

- Вазирлик билан келишилган ҳолда Марказ тузилмаси, ходимлар сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорини тасдиқлайди;

- буйруқ, фармойишлар чиқаради ва барча ходимлар учун мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди ва ижросини назорат қилади;

- меҳнат ва хўжалик шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади;

- давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа бирлашмалари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Марказни ишончномасиз ифодалайди;

- Марказ кредитлари ва асосий воситаларини идора қилувчиси бўлиб ҳисобланади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6.3. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## **VII. МАРКАЗНИНГ МУЛКИ**

7.1. Марказнинг мулки давлат мулки ҳисобланади ва унга тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

7.2. Марказ мулкининг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилган асосий жамғарма ва айланма воситалардан, шунингдек бошқа бойликлардан ташкил топади.

7.3. Марказнинг мулки:

- Вазирлик томонидан Марказга тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

- истеъмолчилар билан телекоммуникация тармоқларида канал ва трактларни ижараси шартномаларини марказийлаштирилган тузилиши ва юритилиши бўйича операторлар топшириқларини, операторлар тармоқларини тезкор-техник бошқарилиши ва бошқа топшириқларини бажаришдан олинган даромадлар;

- тармоққа тегишли, мақсадли ва миллий дастурларни, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашишдан олинган даромадлар;

- шартнома асосида тақдим қилинадиган маслаҳат хизматларидан ва операторларнинг ахборот таъминотидан олинадиган даромадлар;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

7.4. Марказ мулкни тасарруф этиш Вазирлик билан келишган ҳолда қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга қўйиш;

- бошқа хўжалик субъектлари устав жамғармасига хисса (улуш) сифатида мулкни киритиш;

- хўжалик жамиятлари акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш.

## **VIII. УСТАВ ФОНДИ**

8.1. Марказнинг устав фонди 2 191 145 (икки миллион бир юз тўқсон бир минг бир юз қирқ беш) сўмни ташкил этади.

8.2. Марказга тезкор бошқарув учун давлат мулкни бериш йўли билан устав фонди шакллантирилди.

8.3. Марказнинг устав фонди Вазирлик қарори бўйича камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Устав фондиди кўпайтириш ёки камайтириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлик қарорлари билан белгиланади.

## **IX. МАРКАЗНИНГ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ**

9.1. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказда қоладиган Марказнинг соф фойдаси Марказ ихтиёрида қолади ва Вазирлик қарори асосида мақсадли ишлатилади.

9.2. Марказ ўз ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан захира ёки бошқа жамғармалар ташкил қилиши мумкин.

9.3. Захира фонди Марказнинг соф фойда ҳисобидан устав жамғармасининг 15 фоизи миқдорида, Жамиятнинг йиллик соф даромадидан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ажратиб бориш йўли билан шакллантирилади.

9.4. Марказнинг захира фонди фақатгина Марказда юзага келган зарарларни қоплаш ёки Вазирлик қарори бўйича фавқулодда вазиятлар учун сарфланиши мумкин.

## **X. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ**

10.1. Марказ ўз фаолияти натижаларининг статистик ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади ва мустақил равишда қонунчилик билан белгиланган тартиб ва муддатда статистик ва молиявий ҳисоботни тузади.

10.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўланишини амалга оширади.

10.3. Молиявий ҳисобот фаолиятини, белгиланган талабларга бухгалтерлик ҳисобини юритиш мувофиқлигини текшириш учун Марказ аудиторлик компаниясини жалб қилиши мумкин.

10.4. Марказнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини назоратини амалга ошириш учун Вазирлик ўз ваколати доирасида Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар билан танишишга ва унинг фаолитини ўрганишга ҳақлидир.

10.5. Директор Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига белгиланган муддатда Марказнинг йиллик бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисоботини Вазирликка тақдим этиши мажбур.

## **XI. МАРКАЗНИ ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ**

11.1. Марказни қайтадан ташкил қилиш ва тугатиш (ёки бирлаштириш, қўшиш, ажратиш, бўлиш ва номини ўзгартириш) Вазирлик қарори билан, ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11.2. Марказ тугатилган тақдирда, кредиторлар талабларини қондирилган кейин қоладиган мулк Вазирликнинг балансига ўтказилади.

## **XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

12.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек Вазирлик Ҳайъати қарорлари асосида, Марказ раҳбарияти таклифларига мувофиқ Вазирлик буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12.2. Мазкур Устав Вазирлик буйруғи билан тасдиқланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради.